



## ӘЛ-ФАРАБИ АТЫНДАҒЫ ҚАЗАҚ ҰЛТТЫҚ УНИВЕРСИТЕТІНІҢ 90 ЖЫЛДЫҚ МЕРЕЙТОЙЫ

«Э.ТЕНИШЕВ КЕҢІСТІГІ: ТҮРКІТАНУ ЖӘНЕ ҒЫЛЫМДАҒЫ ҒУМЫР»

### ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ КОНФЕРЕНЦИЯ

#### МАТЕРИАЛДАР ЖИНАФЫ

Қазақстан Республикасы  
25-26 сәуір Алматы, 2024

## THE COLLECTION OF MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND THEORETICAL CONFERENCE

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE DEDICATED to the 90th  
ANNIVERSARY of KAZNU AL-FARABI

«E.TENISHEVSKY SPACE: TURKOLOGY and SCIENTIFIC LIFE»

Republic of Kazakhstan,  
25-26 april Almaty, 2024

### СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

#### МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

ПОСВЯЩЁННОЙ К 90-ЛЕТИЮ КАЗНУ ИМ. АЛЬ-ФАРАБИ

«Э.ТЕНИШЕВСКОЕ ПРОСТРАНСТВО: ТЮРКОЛОГИЯ И ЖИЗНЬ В  
НАУКЕ»

Республика Казахстан  
25-26 апрель Алматы, 2024

**ISBN 978-601-04-3966-5**

**ӘЛ-ФАРАБИ АТЫНДАҒЫ ҚАЗАҚ ҰЛТТЫҚ УНИВЕРСИТЕТІНІЦ  
90 ЖЫЛДЫҚ МЕРЕЙТОЙЫ  
Э.ТЕНИШЕВ КЕҢІСТІГІ: ТҮРКІТАНУ ЖӘНЕ ҒЫЛЫМДАҒЫ ҒҰМЫР  
Халықаралық ғылыми конференция  
25-26 сәуір Алматы, 2024**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE DEDICATED to the 90th ANNIVERSARY of  
KAZNU AL-FARABI  
E. TENISHEVSKY SPACE: TURKOLOGY and SCIENTIFIC LIFE**

**Republic of Kazakhstan,  
25-26 april Almaty, 2024**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ ПОСВЯЩЁННАЯ К 90-ЛЕТИЮ  
КАЗНУ ИМ. АЛЬ-ФАРАБИ  
«Э. ТЕНИШЕВСКОЕ ПРОСТРАНСТВО: ТҮРКОЛОГИЯ И ЖИЗНЬ В НАУКЕ»**

**Республика Казахстан  
25-26 апрель Алматы, 2024**

Халықаралық конференция материалдарының жинағы әйгілі түркітанушы, шығыстанушы Эдхам Рахимович Тенишевтің ғылыми-теориялық зерттеулерін, идеяларын күрмет тұтып, құндылығын бағалайтын шәкірт-ғалымдардың «ұлы ұстаз» туралы ізгі ой-пікірлерінен, ыстық естеліктерінен, сондай-ақ жалпы түркілік кеңістікегі саналуан мәселелермен айналысатын гуманитарлық бағыттағы - тарих, лингвистика, әдебиет, этнография, педагогика салаларындағы ғалымдар мен жас мамандардан тұратын зиялды аудиторияның ұсынған мақалаларынан тұрады.

Барлық мақалалар түпнұсқада беріліп, қазақ, ағылшын, орыс, түрік, өзбек, қырғыз, түрікмен тілдерінің барлық графикалық тәнбалану заңдылықтары сақталды.

Uluslararası konferans bildirileri koleksiyonu, bilimsel-teorik araştırmalara saygı duyan ve değer veren çırak bilim adamlarının «büyük öğretmeni» nin nazik yansımaları, hararetli anılarından, ünlü türkolog, oryantalıst Edham Rakhimovich Tenishev'in fikirlerinden ve genel olarak Türk alanı meseleleriyle ilgilenen beşeri bilimlerden - tarih, dilbilim, edebiyat, etnografiya, pedagoji alanlarında - oluşmaktadır. bilim adamları ve genç uzmanlardan oluşan entelektüel bir izleyici kitlesi tarafından sunulan makalelerden oluşmaktadır. Tüm makaleler orijinalinde sunulmuştur ve Kazakça, Rusça, ingilizce, Türkçe, Özbekçe, Kırgızca, Türkmen dillerinin tüm grafik işaretleme yasalarına uyulmuştur.

The collection of materials of the International Conference consists of good thoughts about the "great teacher", warm memories of students-scientists who respect and value the scientific and theoretical research, ideas of the famous turkologist, Orientalist Edham Rakhimovich Tenishev, as well as articles presented by an intelligent audience consisting of scientists and young specialists in the humanities-history, linguistics, literature, ethnography, pedagogy, dealing with a wide range of problems in the Turkic space. All articles were presented in the original and followed all the laws of graphic marking of Kazakh, Russian, English, Turkish, Uzbek, Kyrgyz, Turkmen languages.

**Алматы: Қазақ университеті, 2024  
©КазНУ имени аль-Фараби 2024**

- 4.Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 21 б.
- 5.Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. док. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 189.
6. Е.Шукур. Ҳамал айвони. - Шарқ.-Тошкент-2002.
- 7.Е.Шукур. Сочлари сумбул-сумбул.- Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.- Тошкент- 1988.

16.21.31: Тил ва ёзув

Асқарова Шахноза Камолидиновна  
илемий маслаҳатчи ф.ф.д.,  
проф. Д.С.Кулмаматов  
Тошкент, Ўзбекистон

### **“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ТОВУШ ТАКРОРИНИНГ МИҚДОРИГА КҮРА ТУРЛАРИ**

*Резюме. Уибу мақола “Алпомиши” достони ва унинг инглизча таржимасида товуши тақрорининг миқдорига күра турлари ҳақида ёзилган. Назарий жиҳатдан, тақрорлар тилишуносликнинг стилистика бўлимида ўрганилади. Тилишуносликда ҳиссий таъсирчанликни ифодалаши учун бир неча ифода воситалари қўлланади. Тақрор маънони кучайтириши, интенсивлик ва эмоционаллик учун хизмат қиласди. Гапнинг энг муҳим бўллагига ургу бериш, сўзловчининг ҳиссий ҳолатини тасвирлаши, унинг таърифланаётган объектга нисбатан эмоционал-экспрессив муносабатини кўрсатиши ҳамда жараён давомийлигини ифодалашида тақрор муҳим стилистик роль ўйнайди. Қатор воситалар каби тақрор ҳам кўп вазифалидир. Мақоланинг мақсади ҳар бир товуш тақрори гапнинг ритмик аспектини кучайтиради, нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қиласди, шу йўл билан тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатишидан иборат.*

*Калит сўзлар: товуши тақрори, стилистика, достон, халқ оғзаки ижоди, лексик бирликлар.*

***Resume.** This article is written about the epic “Alpomish” and its types according to the amount of sound repetition in its English translation. Theoretically, repetitions are studied in the stylistics branch of linguistics. In linguistics, several means of expression are used to express emotional sensitivity. Repetition serves to reinforce meaning, intensity and emotionality. Emphasizing the most important part of the sentence, describing the speaker's emotional state, showing his emotional-expressive attitude towards the object being described, and expressing the duration of the process again play an important stylistic role. Like many tools, repetition is multifunctional. The purpose of the article is to show that the repetition of each sound enhances the rhythmic aspect of the sentence, makes the speech melodious, impressive and attractive, and in this way is important for its easy acceptance by the listener.*

**Key words:** sound repetition, stylistics, epic, folklore, lexical units.

Такрор воситалари бадиий асардаги нутқ турларида бирор нутқ эфектини ҳосил қилувчи мустаҳкам бирлик ҳисбланиб, семантик ва функционал хусусиятларга эгадир. Такрор жумлалар орасидаги алоқадорлик қонуниятларига асосланиш вазифасини бажарувчи бирлик сифатида матндандағи ифодавий семантик алоқа, ундағы миқдорий белгилар билан ҳар хил нутқ типига тааллуқлы матнларда коммуникатив функцияни бажариши билан алоҳида аҳамиятга эга [1, 70].

Такрорланаётган ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап бўлишидан қатъий назар, улардан тингловчига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатиш, унда маълум воқеа-ҳодисага нисбатан ҳиссий қўзғалиш туйғуларини уйғотиш учун фойдаланилади. Такрор мусиқа ва такрорланувчи мусиқий жумлалар сингари нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қилиш, шу йўл билан уларни тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик воситадир. Шу боис ҳам уни маълум маънода нутқ мусиқаси деб ҳам аташ мумкин. Мисраларда келувчи товушлар миқдоран оддий ва мураккаб кўринишига эгадир. Унинг миқдори эса бир мисра доирасидаги сўзлар таркибида белгиланади. Бундай миқдор муайён товуш мисрадаги сўзларнинг қайси бўғинда такрорланиб келиши билан бевосита боғлиқ. Пировардида фоник такрор бир фонеманинг мисрада икки ва ундан кўп сўзларнинг бошида, ўртасида ва охирида келишидан иборатдир. Бундай такрор товуш табиатига кўра ўз ичига монорим ва аллитерацияни қамраб олади [4, 179]<sup>8</sup>. Олимнинг ғояларига эргашган ҳолда таъкидлаш мумкини, оддий фоник тарорни қўйидаги ҳолатда тадқиқ этиш мумкин:

### Вокал такрор шакллари

**I.** Содда вокал такрор. Бундай фоник такрор битта унли товушнинг икки ёки ундан ортиқ сўзлардаги ҳар хил бўғинларда бир тартибда жойлашувига кўра содир бўлади, унинг вазифаси эса бадиий-эстетик жиҳатдан вокал аллитерацияга ўхшаб кетади. У қўйидагича бўлиниши мумкин:

**1. Бир унли товуш мисра бошида:**

А) иккита сўзнинг бошида келади

*On all sides his glances fly –*

*There's no end to the road near-by!* [3, 48]

Бу ўринда инглиз тилига хос лингвомаданий жиҳат – ҳарфрларнинг ҳар жойда ҳар хил ўқилишини инобатга олиш зарур. Транскрипцияда ажратиб кўрсатилган a ва o ҳарфлари бир хилда яъни, [o] тарзда ўқиласи.

*If it is so decided by Fate,*

*Come, and take me, I'll be your mate!* [3, 50]

*I'm used to horse-meat, anyway,*

*And an experienced butcher am I.* [3, 69]

Б) иккита сўзнинг ўртасида келади

*For your sake have I grown thin,*

*Fire and water have I been in.* [3, 51]

<sup>8</sup> Ёрматов И. Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. Фил. фан. докт. ...дисс. Тошкент. 1994. – Б. 179.

Инглиз талаффузининг ўзига хос жиҳатларини инобатта олган ҳолда мазкур белгаланган товушлар чўзиқ о [o:] тарзида ўқилади ва мусиқийлик ҳосил қиласди. Тадқиқот жараёнида мутаржим томонидан йўл қўйилган ноаниқликлар қўзга ташланди:

*Ninety knights* are her suitors, apart from you!

Each of them for you both – a living threat! [3, 55]

С) иккита сўзнинг охирида келади

Seemed he was sleeping his last deep sleep...

Suddenly he heard hoof-beats sweep! [3, 76]

How was it, that you didn't see me before?

Do you treat your steed well, or make him sore? [3, 78]

2. Бир унли товуш мисранинг ўрта қисмидаги

А) иккита сўзнинг бошида келиши

I had come here, separated from my own folk,

If you ask, I am dead, not alive, of his yoke. [3, 92]

Б) иккита сўзнинг ўртасида келиши

Qorajon ceased. “Don't boast!” said Kukaldash,

“You'll fall to nothing, just become dust and ash. ([3, 8]

Through the mass of folk, what aspiration clears!

“Horses, horses are coming! The rides are here! [3, 86]

Шу ўринда турли оиласаларга мансуб бўлган тилларнинг фонетик тизими ҳар хил бўлиб, инглиз тилидаги *o*, *oa*, *a* товушлари талаффуз меъёрига мувофиқ, тутган ўрнига қараб, [ou] тарзида ўқилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай хусусият туркий тиллар оиласига мансуб ўзбек тилида кузатилмайди.

С) иккита сўзнинг охирида келади:

If chance permits, we'll meet, its due,

Till I die I'll keep praying for you. [3, 94]

In haste I will go behind to cause yoke.

Let me see Qorajan, the devil cursed sun. [3, 94]

3. Бир унли товушнинг мисра охиридаги

А) икки сўзнинг бошида келиши

For Kalmyk your only child had left, said,

In your land safe and sound arrived. [3, 111]

Б) икки сўзнинг ўртасида келиши

Let me see Qorajan, the devil cursed sun.

Let me fight with him one by one? [van] [3, 98]

С) Икки сўзнинг охирида келади:

Girls and women gather there,

Her forty maidens joined here. [3, 112]

Many of my wisest men have passed away,

When I think I'll lose my patience, my way. [3, 75]

Юқорида келтирилган мисоллар нафақат аслиятда балки таржимада ҳам мисраларнинг эшитилишини ёқимли қилиб бериш билан бирга, кишининг

хотирасида қолиши учун ҳам муҳим ҳисобланади. Яна масаланинг асосий жиҳати шундаки, ўзбек тилидан фарқли равишда инглиз тилида сўзларнинг иштирокида асосан бош ҳарқлар ундошларни ташкил этар экан. Лекин мусиқийлик оҳангини ҳар икки тилда ҳам унлилар ташкил этади.

Шундай қилиб, содда вокал такрорни аллитерация санъати томонга қўйилган қадам, мисралар оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини таъминловчи унсур деб ҳисоблаш мумкин.

## II. Мураккаб вокал такрор

Такрорнинг бу тури мисра таркибидаги сўзларни оҳанг жиҳатдан мувофиқлаштирувчи қонуният бўлиб, микдоран жуфтлик, учта, баъзи ҳолларда эса тўртта унли товушнинг айни шу мисрадаги ўзга бир сўзда такрорланиб келиши билан характерланади. Бу ҳолат мисра эвфониясини ташкил этишнинг оддий микдорий такрордан кўра мукаммалашган шакли ҳисобланади. Шу сабабли унинг ички кўринишлари ҳам анча мураккабдир. Масалан, жуфт вокал такрор – мисранинг муайян ўрнидаги сўздан ўрин олган иккита унлининг ёндош сўз таркибида ҳам худди шу тартибда келишига асосланади. Жуфт вокал такрорнинг мисрадаги ўрнига кўра турларини кўриб чиқамиз:

А) жуфт вокал такрорнинг мисра мисрада икки сўзнинг боши ва ўртасида келади:

*All of my daughters are of average height,  
With girls as mother I would stay at night. [3, 146]*

*With Boysary if no one concerned,  
If no kın, no son or daughter he had. [3, 119]*

Бу ўзбек тилида қўйидагича акс этади:

*Агар алплар ола қолса қизингди,  
Зўр қиласи бу элатга ўзингди. [1, 62]*

*Ўртанган ўтларга жоним солмагин,  
Кўрап кўзим, қалмоқ элга бормагин. [1, 208]*

Б) икки сўзнинг ўртаси ва охирида келади:

*All shepherds he gathered thrived,  
Of all his sheep Boysary was deprived. [3, 118]*

Ўзбек тилидаги аслиятдан мисол келтирилса:

*Чопиб, хориб қолаётир тулпорлар,  
Ҳақнинг яшинидай оқиб жонивор. [1, 146]*

Жуфт вокал такрорнинг иккита сўз таркибида тутган турли жойлашувлари ва бошқа шакллари “Алпомиш” достони аслиятида энг қўп қўлланилган бўлиб, микдоран иккита унли товушнинг (айрим ҳолларда улардан бири икки марта) такроран келиши ҳисобигаюзага келади. Жуфт вокал такрорнинг асосий натижаси шундан иборатки, унинг воситасида мисрадаги сўзлар ўзаро оҳангдошлик касб этади, ўзига хос интонация ва мусиқийлик ҳосил қиласи. Тадқиқотчи И.Ёрматовнинг бу борадаги ишларини давом эттириб, инглизча таржимадаги достоннинг тадқиқига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашишни

маъқул кўрдик [ ]<sup>9</sup>. Хулоса шуки, мисрадаги сўзлар таркибида қанчалик ўзаро оҳангдош товушлар унумдор бўлса шу қадар яхши. Микдорий вокал такрорнинг юқоридаги барча турлари “Алпомиш” фоникасининг нечоғли бой ва турли-туманлигидан далолат беради. Улар туфайли шеърий қаторлар товуш товланишига узвий боғлиқ бўлган санъатлар билан боййиди. Вокал микдорий такрорнинг мазкур бебаҳо достон аслиятида ҳам, таржимасида ҳам энг кўп учрайдиган тури – битта унли товуш такори эканлиги маълум бўлди. Унинг жойлашувига кўра шакллари ичида эса иккита сўз мисранинг қайси жойда келишидан қатъий назар, сўз ўртасида келувчи унли фонема барқарор ва типик такори экан. Ҳар бир тилнинг ички қонуниятига кўра нафақат мустақил сўз туркumlари, балки ёрдамчи сўзлар, предлоглар, қўшимчалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

### Консонант такрор

Фоник такрорнинг бу (ундошларга асосланган) кўриниши ҳам унли товушлар такори каби содда ва мураккаб шаклларга бўлиниб, улар ҳам ўзига хос тарзда хусусий кўринишига эга. “Алпомиш” достони қаторларида мавжуд ундош товушлар такори уларнинг позицияси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишда ёрдам беради. Консонант такрорнинг вокал такрордан фарқи текшириш жараёнида яққол намоён бўлиб қуидаги кўринишига эга ҳисобланади:

Содда консонант такрор деб шеърий мисрадаги сўзларнинг турли ўринларида такрорланиб, мисрада муайян оҳангдошликтин пайдо қилишига айтилади ва унинг сўз бошида келадиган шакли аллитерация санъатини юзага келтиради.

#### I. Мисра бошида бир ундош фонеманинг:

А) икки сўзнинг бошида келиши

*Live long, not die for a long time,  
My friend, going your way isn't crime. [3, 183]  
Wherever we go we will be caught,  
We go, shah's girl makes us return not. [3, 218]*

Б) икки сўзнинг ўртасида келиши

*Tovқaoyim asked each maiden,  
They'd do what she had said then. [3, 189]*

С) иккита сўзнинг охирида келиши

*They were interested in this goat much,  
Saying anything the girls departed such. [3, 190]*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, содда вокал такрорни тадқиқ қилинганда кузатганимиз каби консонант такрор ҳам З хил кўринишида таржимада учради. Чунончи, айрим ундош товушлар сўзлар таркибида қўшалоқ келса, мисранинг мусиқийлиги ва қулоққа ёқимлилиги янада ортади. Бу ҳолни аслиятда баҳшилар тилида атайлаб қўлланганига гувоҳ бўлсак, таржимада мутаржим атайин шундай қилган дея олмаймиз. Чунки, ҳар бир тилнинг ўзига хослигига кўра сўз танлови тасодифан юз берган.

<sup>9</sup> Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. Фил. фан. докт. ...дисс. Тошкент. 1994. – Б. 134.

Куйида эса достон таржимасида кўп учрайдиган жуфт консонант такрорларни кузатиш мумкин. Ўзбек тили аслиятидан фарқли ўлароқ бу ҳолат инглиз тилида жуда кўп учрайди.

“I will show fighting skill” – says he,  
“And my foes will kill” – says he. [3, 49]  
I’ll have my he – goat joined yours,  
I’ll tell you what I’m aware, of course. [3, 193]

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, инлиз тилидаги бундай такрор аслият матнда мавжуд эмас.

Мана бу ўринда таржимоннинг аллитерация такоридан унумли фойдаланганинг шоҳиди бўлдик:

Don’t miss my magic music tool,  
Hey, do you love to buy it full?! [3, 203]

Бадиий матндаги ва таржимадаги вазифаси жиҳатдан олганда консонант фонемаларнинг сўзнинг уч хил жойида келиши мисраланинг умумий оҳангига ҳар хил таъсир қиласи. Хусусан, бир ундошнинг сўзнинг ўртаси ва охирида келиши унчалик таъсири сезилмаса-да, сўзлар бошида келадиган такрор ундош товушлар қулоққа эшитилиши ёқимли бўлган эвфонияни вужудга келтиради. Демак, аслиятда бўлгани каби содда консонант такрорнинг энг мақбул шакли унинг сўз бошида келиши дея оламиз.

**II.** Мураккаб консонант такрор. Бундай такрор ундош товушнинг мисра ичидағи сўзларда икки ёки учта ҳолатда келишидир. Жуфт консонант такрор деганда нафакат бир хил, балки икки хил ундош фонеманинг бир мисра давомида икки ва ундан ортиқ сўзда келишидир. Масалан:

Nobody knows what she has done so far,  
She has hired four men for money before. [3, 45]

[noubedi nouz] яширин н ва в товушлари бор бўлиб, улар фақат оғзаки нутқда акс этади.

Бу орқали таржима мисраларида аллитерацион усул пайдо бўлган.

Come on, come, angels, glory,  
Your skin is as white as ivory. [3, 203]  
Kayqubod was enchanted, felt bold,  
They were sold underpriced, told. [3, 203]

Яққол намоён бўлмоқдаки, мураккаб консонант такрорнинг жуфт тури мисрадаги сўзлараро оҳангдошликини таъминлашга хизмат қиласи. Умуман олганда бундай ҳолат асар таржимасини ниҳоятда латиф ва нафосатли қиласи. Шундай қилиб фоник (товушларга асосланган) такрорнинг миқдорий тури “Алпомиш” достони инглизча таржимасининг назмий матнида товушлараро уйғунликни ташкил этиб, инглиз ўқувчиси томонидан осонликча қабул қилинишига олиб келади, ёдда сақлинишини осон қиласи. Яна бир муҳим жиҳат, таржимон инглиз филологиядаги сўзлар тузилишидан келиб чиқиб ҳам, бугунги кун ўқувчисига қулайлик яратиш мақсадида ҳам имкон қадар кам бўғинли сўзлардан фойдаланганди. Буни аслият ва таржимани чоғиширгандан ҳам осонгина англаш мумкин. Умуман олганда таржима

асарида такрор вазифаси жиҳатдан стилистик усул даражасига кўтарила олган. Мазкур фасл бўйича қуидагича хulosага келиш мумкин:

**1.** Достон таржимасида мисралар таркибидаги ёндош сўзларда унли ёки ундош товушларнинг такорри таржима ғоявий мазмунининг очилиб боришида эмоционал-эстетик аҳамиятга эга.

**2.** Бадиий такрорнинг фоник шакли товушлар такорри орқали сўзлар оҳангдошлигини, сўзлар оҳангдошлиги орқали мисралар оҳангдошлигини юзага келтириб, нутқнинг лингвомаданий жиҳатларини алоҳида тасвирлаб беради.

**3.** Достон таржимасида фоник такрорнинг икки асосий кўриниши акс этиб, улар тузилиши жиҳатдан содда ва мураккаб шаклларга ажralади.

**4.** Фоник такрорнинг таржима матнида энг қўп учраган усули аллитерация, ассонанс, монорим стилистик усулларни ташкил этган.

### Фойдалаилган адабиётлар рўйхати

1. Алпомиш. Достон. Тошкент, Ўқитувчи. 1987. – 398 б.
2. Асқарова Ш. Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалс. докт....дисс. Тошкент 2019. – 145 б.
3. Alpomish. Translation by Qosimboy Ma'murov. Zeboprint, Tashkent. 2023. – 365 р.
4. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. Фил. фан. докт. ...дисс. Тошкент. 1994. – 265 б.

Orcid:0000-0002-2085-544X

Mirvari İsmayılova  
Filologiya elmləri doktoru, professor  
Azərbaycan Dövlət Pedaqoji  
Universiteti Türkoloji mərkəz  
Bakı, Azərbaycan  
[ismayılova.mirvari1960@gmail.com](mailto:ismayılova.mirvari1960@gmail.com)

## AZƏRBAYCAN ETNOQRAFİK LEKSİKASININ QƏDİM YAZILI ABİDƏLƏRDƏ VƏ DİALEKTLƏRDƏ ƏKSI VƏ DİGƏR TÜRK DİLLƏRİNƏ İNTEQRASIYASI

### Xülasə

*Məqalədə türk xalqlarının qədim tarixini, dilini, mədəniyyətini, həyata baxış fəlsəfəsini, həyat tərzini, adət-ənənələrini özündə qoruyub saxlayan etnoqrafik leksikadan bəhs edilir. Tədqiqat nəticəsində məlum olur ki, etnoqrafik leksikanın mühafizə olunduğu mənbələr qədim yazılı mənbələr, klassiklərin əsərləri, dialektlərdir. Türk xalqlarının etnoqrafik leksikası toy, yas, bayram mərasim leksikası, müxtəlif mərasimlərə, fəsillərə uyğun mövsümi mətbəx mədəniyyəti leksikası, təsərrüfat həyatı ilə bağlı etnoqrafik leksika və s. kimi qruplaşdırılır. Türk xalqlarının etnoqrafiyasına aid lügəvi vahidləri tədqiqata cəlb etməklə dialect və şivələrdə qarşılıqlı integrasiya məsələləri müəyyən edilir. Araşdirmalar Azərbaycan etnogenezinin tarixi köklərinin*

<i>СОҒДЫ ЖАЗУЛЫ КӨНЕ ТҮРКІ ТІЛІНДЕГІ МӘТІНДЕРДЕ КЕЗДЕСЕТИН БУДДА ДІНІНЕ ҚАТЫСТЫ ТЕРМИНДЕРГЕ АНЫҚТАМА (СЕКИЗ ЙҰКМЕК ЙАРУК МӘТІНІ НЕГІЗІНДЕ)</i> .....	101
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

## **2 ЕУРАЗИЯ ХАЛЫҚТАРЫНЫҢ МӘДЕНИ МҰРАСЫНДАҒЫ ЭПОС ЖӘНЕ ЭПОСТЫҚ ТУЫНДЫЛАР**

**Хамраева Рано Ражабовна**

**Термез, Узбекистан**

<i>АЙЗЕК АЗИМОВ – ПИСАТЕЛЬ ФАНТАСТ. АНАЛИЗ НАУЧНО- ФАНТАСТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЙЗЕКА АЗИМОВА</i> .....	121
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Saatova Surayyo Ismailovna**

**Toshkent, O'zbekiston**

<i>BADIIY MATNDA OSHIQ VA MASHUQA LISONIY SHAXSI (U. HAMDAM ASARLARI MISOLIDA)</i> .....	129
----------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Rahmatova Sevara Alisherovna**

**Toshkent, O'zbekiston**

<i>LEKSIK TAKROR ORQALI KONNOTATSIYANING IFODALANISHI (ESHQOBIL SHUKUR SHE'RLARI MISOLIDA)</i> .....	133
----------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Асқарова Шахноза Камолидиновна**

**илемий маслаҳатчи ф.ф.д., проф. Д.С.Қулмаматов**

**Тошкент, Ўзбекистон**

<i>“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ТОВУШ ТАКРОРИНИНГ МИҚДОРИГА КҮРӘ ТУРЛАРИ</i> .....	138
--------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Mirvari İsmayılova**

**Bakı, Azərbaycan**

<i>AZƏBAYCAN ETNOQRAFİK LEKSİKASININ QƏDİM YAZILI ABİDƏLƏRDƏ VƏ DİALEKTLƏRDƏ ƏKSI VƏ DİGƏR TÜRK DİLLƏRİNƏ İNTEQRASIYASI</i> .....	144
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Өмірзақов С.Д**

**Насирдинов Б.П.**

**Шымкент, Қазақстан**

<i>НҰРАЛЫ НЫСАНБАЙҰЛЫ – ЭПИК АҚЫ</i> .....	149
--------------------------------------------	-----

**Kaliyeva Nazeket Madiyevna**